

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАМУХАМЕДОВА ГЎЗАЛ ҚАМАРИДДИНОВНА

**ТУРЛИ ХИЛ КАТАЛИЗАТОРЛАР ЁРДАМИДА ТЕРМИНАЛ
АЛКИНЛАР ВА КЕТОНЛАР АСОСИДА АЦЕТИЛЕН
СПИРТЛАРИНИ СИНТЕЗ ҚИЛИШ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Отамухамедова Гўзал Қамариддиновна

Турли хил катализаторлар ёрдамида терминал алкинлар ва
кетонлар асосида ацетилен спиртларини синтез қилиш..... 3

Отамухамедова Гузал Камариддиновна

Синтез ацетиленовых спиртов на основе терминал алкинов
и кетонов в присутствии различных катализаторов..... 21

Otamukhamedova Guzal Kamariddinovna

Synthesis Of Acetylene Alcohols On The Basis Of Terminal Alkynes
And Ketones Using Various Catalyst..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАМУХАМЕДОВА ГЎЗАЛ ҚАМАРИДДИНОВНА

ТУРЛИ ХИЛ КАТАЛИЗАТОРЛАР ЁРДАМИДА ТЕРМИНАЛ
АЛКИНЛАР ВА КЕТОНЛАР АСОСИДА АЦЕТИЛЕН
СПИРТЛАРИНИ СИНТЕЗ ҚИЛИШ

02.00.03 – Органик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/K113 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cspi.uz.ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Махсумов Абдухамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.09.2020.K.82.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «6» декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55, факс (99870) 712-45-41; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55, факс: (99870) 712-45-41; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «24» 12 куни таркатилди.

(2020 йил «24» 12 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Д.А.Гафурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доцент

И.С.Ортиков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.ф.д. (PhD)

А.Г.Махсумов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда янги биологик фаол органик бирикмаларни мақсадли синтезини амалга ошириш, уларни нефт-газ, кимё, фармацевтика ва тўқимачилик саноатида ингибиторлар сифатида қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, бу борада арзон, юқори самарали ва экологик тоза маҳаллий препаратлар яратиш, уларнинг физик-кимёвий, биологик ва фармакологик хоссаларини яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда нефт-газ, кимё, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт амалиётида молекуласида фаол марказлар сақлаган, алифатик, ароматик ва гетероциклик ўринбосарлар тутган ацетилен спиртлари (АС) асосида яратилган ингибитор ва доривор воситалар кенг қўламда ишлатилмоқда. Жумладан, бу синф бирикмалари асосида яратилган препаратлар нефт таркибидаги микроорганизмларга қарши биоингибиторлар, кимё саноати корхоналарида катлам ҳосил қилувчи компонентларга қарши ингибиторлар, резина-техника материаллари ишлаб чиқаришда эритувчилар, маҳаллий доривор ўсимликлар алколоидлари заҳарлигини камайтиришда тикувчи агентлар сифатида қўлланилмоқда. Шунинг учун, таркибида учбог, гидроксил гуруҳи, ароматик ва циклик халқалар сақлаган АС ва уларни янги ҳосилаларининг мақсадли синтезини амалга ошириш, уларнинг тузилишини замонавий усуллар ёрдамида аниқлаш, олинган бирикмаларни кимёвий хоссаларини ўрганиш, синтез қилинган АС асосида ноёб хоссаларга эга бўлган янги биоцид, ионит ва ингибиторлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Республикада маҳаллий хом-ашё ва чиқинди маҳсулотларни қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босадиган янги препаратлар синтез қилиш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш устида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва нефт-газ, кимё ва фармацевтика бозорини сифатли препаратлар билан таъминлаш борасида кенг кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош табиий ҳамда уларнинг синтез маҳсулотлари асосида ноёб хоссаларга эга препаратлар яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом-ашёлар асосида нефт-газ, кимё, тўқимачилик, фармацевтика саноати учун юқори самарали препаратлар яратиш ва ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси². АС молекуласида бир нечта фаол марказ бўлганлиги сабабли улар асосида саноатда биологик фаол препаратлар олишда хом-ашё, эритувчи ва қўшимча маҳсулотлар сифатида фойдаланиш бўйича талайгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. АС ва улар асосида олинadиган ҳосилаларни синтез қилиш, ишлаб чиқариш ва мақсадли қўллаш бўйича R.Fassler, M.O.Hoshino, T.P.Perumal, E.J.Corey, A.S.Chan, A.Hosseini, P.G.Cozzi, A.E.Фаворский, Б.А.Трофимов, Е.Ю.Шмидт ва бошқа олимларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистонлик олимлар Т.С.Сирлибоев, А.Ғ.Махсумов, А.Икрамов, С.М.Туробжонов, С.Э.Нурмонов, Б.Ф.Мухиддинов, Ҳ.М.Вапоевлар ацетилен кимёси бўйича, жумладан АС, диоллар, уларнинг эфирлари, гетероциклик ва винил ҳосилаларини синтез қилиш, саноатда ишлаб чиқариш бўйича салмоқли улуш қўшганлар.

Кислородли органик бирикмалар, жумладан кетонларни ацетилен углеводородлари билан селектив катализаторлар ёрдамида алкиниллаш орқали АСни юқори унум билан синтез қилиш, улар асосида янги турдаги эритувчилар, бўёқлар, полимер материаллари, ионалмашинувчи смолалар, ингибиторлар, гербицидлар ва дори воситалари яратишга олиб келади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг МУ-ФЗ-20171025111 рақамли: “Карбон кислоталарни виниллашнинг илмий асослари ва олинган бирикмаларни хоссалари” мавзусидаги амалий грант доирасида бажарилган (2018-2019 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади турли хил каталитик системалар ёрдамида ароматик ацетилен спиртлари ва уларнинг турли ҳосилаларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқиш, уларни тузилиши, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги комплекс каталитик системалар- $\text{Cs}_2\text{CO}_3/\text{DMCO}\cdot\text{H}_2\text{O}$, $\text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$, $3,3'\text{-Ph}_2\text{BINOL-2Li}/\text{TF}\Phi$, $\text{BuLi}/\text{KO}^t\text{Bu}/\text{TF}\Phi$ ёрдамида фенилацетилен ва айрим циклик кетонлар асосида ароматик ацетилен спиртларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқиш, жараёнлар учун

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.sciencedirect.com, www.elsevier.com, www.scholar.google.com, www.fundamental-research.ru, www.elibrary.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

мукобил шароитларни аниқлаш;

ароматик ацетилен спиртларини синтез қилиш реакциялари фаолланиш энергияларини аниқлаш, кимёвий ўзгаришлар кинетикасини таҳлил қилиш, жараёнларни математик моделлаштириш ва оптималлаштириш ҳамда қўлланиш сохаларини топиш;

реакцияларнинг бориши ва маҳсулот унумига танланган кетонлар тузилиши ҳамда табиати таъсирини таҳлил қилиш, ароматик ацетилен спиртларини синтез қилишнинг нисбий самарадорлик қаторини топиш, олинган натижаларни илмий асослаш;

қўлланилган комплекс каталитик системаларнинг ароматик ацетилен спиртларининг тозалиги, унуми ва ҳосил бўлиш самарадорлигига таъсирини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали уларнинг каталитик фаоллик қаторини яратиш;

синтез қилинган ароматик ацетилен спиртларининг кимёвий ўзгаришларини тадқиқ қилиш мақсадида уларнинг винилокси эфирлари (ВОЭ) ни синтез қилиш;

ароматик ацетилен спиртлари ва ВОЭни хусусий физик катталикларини, тузилиши, таркиби ва тозалигини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларида исботлаш;

синтез қилинган ароматик ацетилен спиртларининг нефт саноатида биокоррозия жараёнини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши ҳамда кимё саноати корхоналарида қатлам ҳосил қилувчи тузларга қарши ингибиторлик хоссаларини тадқиқ қилиш;

Тадқиқотнинг объекти – сифатида фенилацетилен, циклопентанон, циклогексанон, метилциклогексанон, ментон, камфора, адамантанон, эритувчилар, қуритувчилар, ароматик ацетилен спиртлари, комплекс каталитик системалар.

Тадқиқотнинг предмети – кимёвий ўзгаришлар, нуклеофил бирикиш, алкиниллаш, виниллаш реакциялари, катализ, регенерация, математик моделлаштириш жараёнлари, олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида нозик органик синтез, спектроскопия (ИК-, ^1H ва ^{13}C ЯМР), хроматография (ЮҚХ, КХ) усуллари, масс-спектрометрия, квант-кимёвий ва элемент таҳлили, математик моделлаштириш ва биологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

айрим кетонлар- циклопентанон, циклогексанон, 2-метилциклогексанон, ментон, камфора ва адамантанонларни Cs_2CO_3 , $\text{Zn}(\text{OTf})_2$, 3,3'-Ph₂BINOL-2Li, BuLi/KO^tBu асосидаги комплекс каталитик системалар ёрдамида фенилацетилен билан этиниллаш реакцияси орқали ароматик ацетилен спиртлари синтез қилинган;

танланган моно-, би- ва трициклик кетонлар молекуласидаги ҳалқалар ҳажми ва сони этиниллаш реакциялари боришига ҳамда ацетилен спиртларини ҳосил бўлиш самадорлигига таъсири аниқланган;

ароматик ацетилен спиртларини синтез қилиш учун танланган

$\text{Cs}_2\text{CO}_3/\text{DMCO}\cdot\text{H}_2\text{O}$, $\text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$, $3,3'\text{-Ph}_2\text{BINOL-2Li/TGF}$, $\text{BuLi/KO}^t\text{Bu/TGF}$ комплекс каталитик системаларнинг нисбий каталитик фаоллик қатори яратилган;

кетонларни фенилацетилен оркали этиниллаш реакциялари математик моделлаштирилган, фаолланиш энергиялари, кимёвий ўзгаришлар кинетикаси ва реакция механизмлари аниқланган;

илк бор синтез қилинган ароматик ацетилен спиртларини фенилацетилен билан юқори асосли каталитик системада этиниллаш реакцияси асосида янги винилокси эфирлар синтез қилинган;

ароматик ацетилен спиртларидан саноатда биокоррозия жараёнига ва куйқа ҳосил қилувчи тузларга қарши ингибиторлик хоссалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ароматик ацетилен спиртларини янги комплекс каталитик системаларда синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг спектрал характеристикалари аниқланган;

синтез қилинган ароматик ацетилен спиртларининг биоцидлик хоссалари юқори даражада бўлиб, маҳаллий нефт конларидан олинган нефт-сув эмульсиялари микроорганизмларининг 86% миқдорини зарарсизлантириши аниқланган;

синтез қилинган 1-(2-фенилэтинил)циклопентанол, 1-(2-фенилэтинил)-циклогексанол, 2-метил-1-(2-фенилэтинил)циклогексаноллар металл конструкцияларида биокоррозия жараёнига қарши ингибиторлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия, масс спектрометрия, хроматографик (ЮҚХ, КХ), квант кимёвий ҳисоблашлар, биологик ва бошқа тадқиқот усулларида олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ароматик ацетилен спиртлари синтез қилишда жараён боришига эритувчилар роли, комплекс каталитик системалар табиати, кетонлар молекуласидаги ҳалкалар сони, тузилиши, молекуляр массаси, ҳамда молекуладаги $>\text{C}=\text{O}$ гуруҳига тўғри, тармоқланган ва ҳажмдор радикалларнинг фазовий таъсири, уларнинг симметрик ёки носимметрик ҳолати, электрон булутлар зичлиги ва жойлашуви ҳамда реакцияда карбокатион ва карбоанионларнинг ҳосил бўлиш даври каби мезонларнинг таъсири илмий қонуният сифатида кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, синтез қилинган бирикмаларнинг нефтни қайта ишлаш корхоналари, нефт маҳсулотларини сақлаш, транспортировка қилиш қурилмалари, пўлат конструкциялари ва жиҳозларининг биокоррозия жараёни натижасида емирилишига қарши, кимё саноати корхоналари айланма оқава сувлари таркибидаги катлам пайдо қилувчи компонентлар миқдорини камайтирувчи самарадор ингибиторлар яратилганлиги ва уларнинг қўлланилиши, ароматик ацетилен спиртлари асосида истиқболли препаратлар яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Турли хил катализаторлар ёрдамида терминал алкинлар ва кетонлар асосида ацетилен спиртларини синтез қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган ароматик ацетилен спиртлари асосида олинган ингибиторлар “Chinoz neftni qayta ishlash zavodi” MChJда амалиётга жорий қилинган (“O‘zbekneftegaz” AJнинг 2020 йил 7 октябрдаги 28-1-09-05-325-сон ва “Chinoz neftni qayta ishlash zavodi” MЧЖнинг 2020 йил 29 августдаги 470/02-сон маълумотномалари). Натижада, нефть саноати корхоналари металл қурилмалари эксплуатацион самарадорлигини ошириш имконини берган;

синтез қилинган ингибиторлар саноат оқава сувлари таркибида қуйқа ҳосил қилувчи тузлар таркибидаги металлларни ажратиб олувчи сифатида “Ohangaronsement” AJда амалиётга жорий қилинган (“Ohangaronsement” AJнинг 2020 йил 28 августдаги АТЦ-473-сон маълумотномаси). Натижада, саноат корхоналари қурилмаларида қатлам ҳосил бўлишини 87% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан, 14 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола республика, 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўқазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ацетилен спиртлари олиниши, хоссалари ва қўлланилиши ҳамда синтез жараёнида катализаторнинг роли”** деб номланган биринчи бобида асосан АСни синтез қилиш усуллари, физик-кимёвий хоссалари, қўлланилиш соҳалари, улар асосида борадиган кимёвий реакцияларга таъсир этувчи омиллар қиёсий кўрилган ва таҳлил қилинган.

Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, молекуласида карбонил ва гидроксил гуруҳи сақлаган органик бирикмалар билан алкинларнинг ўзаро реакциялари асосида саноатнинг турли соҳаларида кенг


кўлланивчи биологик фаол АС ва уларнинг ҳосилаларини олиш имконини беради. Бироқ АСни синтез қилишда фаоллиги юқори бўлган каталитик системаларни кўллашга етарлича эътибор қаратилмаган. Молекуласида бир канча реакцион марказга эга бўлган АСни синтез қилиш, улар асосида истиқболли препаратлар ишлаб чиқариш, уларни турли соҳаларда мақсадли кўллаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек АС кимёси ва технологияси бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий изланиш ишлари натижалари ҳам шу бобда ўз аксини топган.

Диссертация ишининг “**Ароматик ацетилен спиртлари ва уларнинг ҳосилаларини синтез қилиш усуллари**” мавзусидаги иккинчи бобида тадқиқотни олиб бориш учун зарур кимёвий бирикмалар, қуритувчи, катализатор ва эритувчилар тавсифи, ААС ва ВОЭни синтез қилиш усуллари келтирилган. Физик-кимёвий тадқиқот усуллари асосида ААС тузилиши, таркиби, тозалиги тўғрисидаги натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Диссертация ишининг “**Ароматик ацетилен спиртларининг турли каталитик системалар ёрдамида олиниши**” номли учинчи бобида танланган ААС синтези натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Юқори асосли каталитик система ёрдамида айрим циклик кетонларни фенилацетилен иштирокида этиниллаш реакцияси

Юқори асосли каталитик система ($\text{Cs}_2\text{CO}_3/\text{DMCO}\cdot\text{H}_2\text{O}$) ёрдамида фенилацетиленнинг айрим циклик кетонлар – циклопентанон, циклогексанон, 2-метилциклогексанон, ментон, камфора ва адамантанон билан нуклеофил бирикиш реакцияси асосида мос равишдаги ААС – 1-(2-фенилэтинил)циклопентанол (I), 1-(2-фенилэтинил)циклогексанол (II), 2-метил-1-(2-фенилэтинил)циклогексанол (III), 2-изопропил-5-метил-1-(2-фенилэтинил)циклогексанол (IV), 1,7,7-триметил-2-(2-фенилэтинил)-бицикло[2.2.1]гептанол-2 (V) ва 2-фенилэтинилтрицикло[3,3,1.0^{3,7}]нонанол-2 (VI) ни синтез қилиш жараёни ўрганилди.



Танланган системада ААСни синтез қилиш жараёнига турли омиллар – ҳарорат, реакция давомийлиги, эритувчи ва катализаторлар табиати, бошлангич моддалар моль миқдори таъсири тизимли равишда таҳлил этилди.

Танланган кетонларни этиниллаш реакциясида Na_2CO_3 , K_2CO_3 ва Cs_2CO_3 катализатор сифатида қўлланилганда металл атоми радиуси ошиши билан уларнинг каталитик фаоллиги ортиши натижасида ААС унумининг ўсиши кузатилди. Этиниллаш реакцияси 240 минутда олиб борилганда ААС унуми минимум, реакция давомийлиги 360 минут бўлганда максимум чиқиши, реакция 480 минут давом этганда эса системада олигомерлар, винил ёки оксобирикмалар ҳосил бўлиши ҳисобига ААС унумида камайиш кузатилди.

Реакция тезлиги ва маҳсулот унумига эритувчилар (ДМСО ва ДМФА) таъсири ўрганилди. Бунда ААС унуми ДМСО да юқори чиқди. Жараёнда

ДМСО қисман катализатор вазифасини бажариши натижасида системада ҳосил бўладиган ацетиленидлар M_2CO_3 билан таъсирлашиб донор-ацептор бог орқали боғланган оралик комплекс ҳосил қилиб, хусусий сольватланиш вужудга келди. Оралик комплекс реакция тезлигини ошириб, алкоголятлар ҳосил қилиши кузатилди. Алкоголятлар эса осон гидролизланиб, юқори унум билан мос равишдаги ААС ҳосил қилди.

1-жадвал

Маҳсулот унумига катализатор табиати ва реакция давомийлиги таъсири (фенилацетилен:кетон 1:2 моль нисбатда, ҳарорат 60 °С, эритувчи ДМСО)

Катали- затор	Реакция вақти, минут	ААС унуми, %					
		I	II	III	IV	V	VI
Na ₂ CO ₃	240	35,0	31,0	27,0	22,0	18,3	17,2
	360	38,7	36,0	32,0	24,5	21,0	18,5
	480	38,0	34,8	31,4	22,7	19,3	17,4
K ₂ CO ₃	240	48,9	42,2	36,2	31,2	28,7	25,5
	360	52,2	44,4	38,0	35,8	33,0	28,9
	480	51,1	43,5	37,3	34,7	31,7	27,2
Cs ₂ CO ₃	240	70,4	64,0	60,6	56,5	49,8	47,0
	360	73,5	69,0	67,5	64,2	52,4	51,9
	480	71,0	67,8	63,5	58,0	49,6	45,5

ААС синтез қилиш реакцияларига ҳарорат таъсири тадқиқ қилинди. Бунда жараёнлар 40-100 °С интервалларда ўрганилди. Реакция ДМСО эритмасида 360 минут давомида олиб борилди, бошлангич маҳсулотлар массасига нисбатан Cs₂CO₃ миқдори 12,5:1 нисбатда олинди.

Реакция 40 °С да олиб борилганда ААС унуми паст чикди. Ҳарорат 60 °С бўлганда реагент ва субстратнинг эритувчи молекулаларида ҳаракат тезлиги ортиб, уларнинг заррачалари юқори энергияга эга бўлган фаол молекулалар ҳосил қилди. Бунда заррачалар иссиқлик ҳаракати ошиб, бетартиб жойлашиши натижасида бир-бирига нисбатан силжиши ва заррачалар ўртасида кимёвий боғлар узилиб, янги боғлар ҳосил бўлиши кузатилди.



2-жадвал

Маҳсулот унумига ҳарорат таъсири

Ҳарорат, °С	ААС унуми, %					
	I	II	III	IV	V	VI
40	58,0	54,5	52,0	48,6	43,0	37,1
60	73,5	69,0	67,5	64,2	52,4	51,9
80	75,7	70,2	68,8	65,5	54,0	53,4
100	62,0	57,1	53,3	48,1	41,0	38,7

Яъни фаол молекулалар сони ортиши билан системадаги алкоголят ва ацетиленидларнинг молекуласидаги ион боғлари осон узилиб, эркин катионлар ҳосил бўлади, натижада ацетиленидларнинг кетонлар билан нуклеофил бирикиш реакцияси ҳам осон бора бошлади, алкоголятлар беқарорлиги ортиб, ААС юқори унум билан ҳосил бўлди. Реакция 100 °С ҳароратда олиб борилганда унумнинг камайиши кузатилди, буни системада ҳосил бўлган ААС катализатор ва фенилацетилен билан реакцияга киришиб ацетиленидлар ҳамда ВОЭ ҳосил қилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

ААС синтези реакцияларининг фаолланиш энергиялари (E) аниқланди. Жумладан, олинган эксперимент натижаларига мувофиқ $\lg W$ нинг $1/T$ боғлиқлик графиги асосида Аррениус усули бўйича барча реакцияларнинг фаолланиш энергиялари (I=11,93; II=12,45; III=12,68; IV=13,03; V=13,28; VI=14,42 ккал/моль) ҳисобланди.



1-расм. АС синтезида $\lg W$ ни $1/T$ га боғлиқлиги
а) II синтези учун,
б) III синтези учун

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида $M_2CO_3/DMCO \cdot H_2O$ система ёрдамида ААСни синтез қилишни энг муқобил шароити аниқланди. Унга кўра, ААС энг юқори унум (I= 73,5%; II= 69,0%; III= 67,5%, IV= 64,2%; V= 52,4% ва VI= 51,9%) билан жараён $60^\circ C$ ҳароратда, реакция давомийлиги 360 минутда, бошлангич маҳсулотлар массасига нисбатан катализатор миқдори 12,5:1 нисбатда олинганда синтез қилинди.

Ароматик ацетилен спиртларини 3,3'-дифенилбинафтолат дилитий катализатори ёрдамида синтез қилиши


Тадқиқот объекти сифатида олинган циклик кетонларни катализатор $3,3'-Ph_2BINOL-2Li$ иштирокида фенилацетилен билан энантиоселектив алкиниллаш реакцияси ёрдамида ААС– I-VI лар синтези ўрганилди.



Бу ерда: $RR' = cPt$ (I); $RR' = cHe$ (II);
 $RR' = MecHe$ (III); $RR' = Me'PrсHe$ (IV);
 $RR' = Me_3bicHe$ (V); $RR' = cAd$ (VI)

$3,3'-Ph_2BINOL-2Li$ каталитик системасида унумига ҳарорат таъсири таҳлил қилинди. Жумладан, $-20 - 20^\circ C$ ҳарорат интервалларида реакция олиб борилди, $0^\circ C$ да ААС унуми максимум (I-VI мос равишда – 77,3; 72,0; 70,4; 66,6; 53,3 ва 51,0%) чиқиши кузатилди. Реакция $-20^\circ C$ да олиб борилганда $3,3'-Ph_2BINOL-2Li$ эритмада пассив бўлиб, фаол марказларни ҳосил қилиши, заррачаларнинг ўзаро таъсирлашуви секин бўлишидан ААС унуми паст чиқди. Ҳарорат $0^\circ C$ да эса бошлангич моддалар ва эритувчининг молекулаларида ҳаракат тезлиги ортиб, уларнинг заррачалари юқори энергияга эга бўлган молекулалар ҳосил қилиши билан этиниллаш реакцияси тезлиги ортиб, системада ацетиленидлар ва алкоголятлар миқдори ва фаоллиги (молекуласидаги ион боғлари осон узилиб эркин катионлар ҳосил

бўлади) ошиб борди, натижада ААС юқори унум билан ҳосил бўлди. Ҳарорат 20 °С га оширилса кўшимча моддалар ҳосил бўлиб ААС унуми камайди.




2-расм. Маҳсулот унумига реакция давомийлиги таъсири (эритувчи ТГФ, ҳарорат 0 °С, катализатор миқдори реагент массасига нисбатан 58,0%, бошлангич моддалар моль миқдори 1:2 нисбатда)

Танлаган кетонларни фенилацетилен билан реакцияси 60-180 минут давомида олиб борилди. ААС энг юқори унум билан реакция 120 минутда олиб борилганда синтез қилинди. Реакция 180 минутда ўтказилганда системадаги ААС қисман бошлангич моддаларга, фенилацетилен стиролга айланиши натижасида унумининг камайиши кузатилди.

Маҳсулот унумига эритувчилар- ТГФ, МеОН ва Et₂O таъсири тадқиқ қилинди. Маҳсулот унуми Et₂O нисбатан ТГФда юқори чиқишига сабаб, ТГФда кислороднинг тақсимланмаган электронлари молекулада ҳалқа бўйлаб (Et₂O да текисликда) делокалланган ҳолатда бўлганлиги учун Et₂O га нисбатан асослилик хоссаси юқори бўлиб, реагентнинг катион қисмини, яъни кислота қисмини юқори стабиллайди ва уларнинг қайта учрашишига (реакциянинг тескари йўналишда боришига) имкон бермайди. Бу стабиллашиш реагент катионида фазовий жиҳатдан тез ва осон содир бўлиб маҳсулот унуми юқори чиқишини таъминлайди. МеОН ўзидан протон ажратиб системада спиртлар, диоллар ҳамда диметилкеталлар ҳосил бўлиши натижасида ААС унумида самарадорлик юқори бўлмайди.


ААС унумига катализатор ва бошлангич моддалар миқдори таъсири ўрганилди. 3,3'-Ph₂BINOL-2Li реагентлар массасига нисбатан 58,0%, фенилацетилен ва кетонлар 1:2 нисбатда олинганда ААС- I-77,3; II-72,1; III-70,4; IV-66,0; V-53,3; VI-50,1% энг юқори унум билан синтез қилинди.

Таҷриба натижалари асосида реакциянинг энг муқобил шароити топилди, яъни ҳарорат 0 °С, реакция давомийлиги 120 минут, эритувчи ТГФ, бошлангич моддалар 1:2 моль нисбатда олинган ҳолат танланди. Синтез қилинган ААС тузилиши ¹H-ЯМР ва ¹³C-ЯМР усулларда таҳлил қилинди.



¹H-ЯМР (400 MHz, CDCl₃) δ 7.44-7.40 (m, 2H, Ph), 7.31-7.27 (m, 3H, Ph), 2.17 (s, 1H, OH), 2.09-2.02 (m, 4H), 1.91-1.84 (m, 2H), 1.81-1.75 (m, 2H).

3-расм. I ¹H-ЯМР спектри



^{13}C -ЯМР (100 МГц, CDCl_3): δ 131.9, 128.6, 128.5, 123.2, 93.2, 83.4, 75.2, 42.8, 23.8.

4-расм. I ^{13}C -ЯМР спектри

I- $R_f = 0,47$; (77,3%): **II**- $R_f = 0,28$; (72,1%): ^1H -ЯМР (400 МГц, CDCl_3) δ 7.56-7.54 (m, 2H, Ph), 7.48-7.40 (m, 3H, Ph), 2.07 (s, 1H, OH), 1.94-1.86 (m, 2H), 1.73-1.51 (m, 7H), 1.29-1.20 (m, 1H). ^{13}C -ЯМР (400 МГц, CDCl_3): δ 130.7, 127.8, 127.3, 121.6, 89.3, 85.7, 67.7, 44.3, 28.6, 26.4. **III**- $R_f = 0,34$; (70,4%): ^1H -ЯМР (400 МГц, CDCl_3) δ 7.57-7.54 (m, 2H, Ph), 7.40-7.31 (m, 3H, Ph), 2.05 (s, 1H, OH), 2.02-1.98 (m, 1H), 1.75-1.43 (m, 6H), 1.33-1.19 (m, 2H), 1.05 (m, 3H, CH_3). ^{13}C -ЯМР (400 МГц, CDCl_3): δ 131.7, 128.6, 128.3, 126.4, 91.4, 83.5, 72.2, 42.4, 37.9, 27.5, 25.4, 20.7, 16.3. **IV**- $R_f = 0,38$; (66,0%): ^1H -ЯМР (400 МГц, CDCl_3) δ 7.31-7.18 (m, 5H, Ph), 2.05 (s, 1H, OH), 1.98-1.86 (m, 2H), 1.95 (m, $(\text{CH}_3)_2\text{CH}$), 1.74 (m, 1H), 1.63-1.57 (m, 5H), 1.02 (m, 6H), 0.94 (m, 3H). ^{13}C -ЯМР (400 МГц, CDCl_3): δ 128.4, 124.5, 124.3, 122.1, 86.4, 83.7, 73.4, 69.5, 40.1, 34.6, 32.3, 24.2, 22.8, 21.2, 18.7. **V**- $R_f = 0,27$; (53,3%): ^1H -ЯМР (400 МГц, CDCl_3) δ 7.74-7.71 (m, 1H), 7.48-7.45 (m, 2H), 7.33-7.30 (m, 3H), 7.27-7.20 (m, 3H), 7.57-7.46 (m, 6H), 1,94 (s, 1H, OH), 1.41-1.48 (m, 1H), 1.08-1.30 (m, 5H). ^{13}C -ЯМР (400 МГц, CDCl_3): δ 140.5, 139.2, 132.8, 129.2, 128.4, 128, 24, 128.12, 126.4, 122.12, 88.6, 65,4, 48.3, 24,6;. **VI**- $R_f = 0,34$; (50,1%): ^1H -ЯМР (400 МГц, CDCl_3) δ 1.35-2.15 (m, 14H, Ad), 2.08 (s, 1H, OH), 7.15-7.45 (m, 5H, Ph).


3-жадвал

Синтез қилинган ААСнинг айрим физик катталиклари


ААС	Брутто формуласи	Молекуляр массаси, г/моль	$T_{\text{қайн.}}^{\circ}\text{C}$	n_D^{20}	d_4^{20}	Ранги
I	$\text{C}_{13}\text{H}_{14}\text{O}$	186	321-322	1,610	1,1132	Рангсиз
II	$\text{C}_{14}\text{H}_{16}\text{O}$	200	337-340	1,584	1,2845	Оч сариқ
III	$\text{C}_{15}\text{H}_{18}\text{O}$	214	335-336	1,544	1,4231	Сариқ
IV	$\text{C}_{18}\text{H}_{24}\text{O}$	256	374-375	1,342	1,4403	Оч қўнғир
V	$\text{C}_{18}\text{H}_{22}\text{O}$	254	380-382	1,221	1,4829	Рангсиз
VI	$\text{C}_{18}\text{H}_{20}\text{O}$	252	417-419	1,173	1,5327	Қизғиш

Рух трифторметилсульфонат катализатори ёрдамида ААС синтези

Трифторметилсульфон кислотасининг рух метали билан ҳосил қилган барқарор тузи асосида тайёрланган комплекс каталитик система- $\text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3/\text{MeCN}$ ёрдамида фенилацетиленнинг танланган кетонлар билан реакцияси асосида ААС (**I-VI**) синтез қилиш реакциялари ўрганилди.



Zn(OTf)₂ катализатори ёрдамида 60 °C ҳароратда ААС синтези жараёнига реакция давомийлиги таъсири ўрганилди. Реакция давомийлиги 60 минутдан 300 минутгача ошиб бориши билан маҳсулот унумида ўсиш кузатилди, аммо реакция 420 минутда олиб борилганда ААСнинг қисман олигомерланиши, шунингдек, диоллар, оддий эфирлар ҳосил қилиши ААС унумига салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари кетонларни молекуляр массаси ва Гибсс энергияси ортиб бориши билан молекулада умумий энергиянинг камайиши ААС ҳосил бўлишини қийинлаштирди.



5-расм. ААС унумига реакция давомийлиги таъсири (эритувчи CH₃CN, каталитик система миқдори 8 масса.%, бошланғич моддалар эквимоляр нисбатда)

ААС унумига катализатор миқдори ва ҳарорат таъсири тадқиқ қилинди. Таҳлил натижаларига кўра унуми катализатор миқдори 8 масса.%, ҳарорат 60 °C да ААС унуми энг юқори чикди. Жараён 120 °C олиб борилганда кўшимча моддалар миқдори ошиши натижасида ААС унумида самарадорлик камайди.

4-жадвал

Маҳсулот унумига катализатор миқдори ва ҳарорат таъсири

Катализатор миқдори, масс.%	Ҳарорат, °C	ААС унуми, %					
		I	II	III	IV	V	VI
5	30	31,0	28,6	23,0	19,0	17,0	14,9
	60	44,7	41,0	38,4	33,2	31,3	28,5
	90	43,0	41,7	38,7	34,1	30,4	27,0
	120	26,7	24,3	20,0	17,2	16,8	11,9
8	30	65,8	61,3	52,6	48,7	44,4	40,0
	60	86,6	82,0	78,1	70,0	61,0	57,4
	90	87,3	83,4	77,7	71,2	59,4	54,3
	120	52,4	45,6	44,0	41,0	36,0	31,8
11	60	77,0	69,0	62,4	60,0	59,1	51,7
	90	64,3	57,2	50,1	46,1	41,0	34,7

Алоҳида таъкидлаш керакки, Zn(OTf)₂ миқдори 11 масса.% бўлганда, ҳарорат 60 дан 90 °C оширилса, ААС унуми кескин равишда (I-12,7%; II-11,8%; III-12,3%; IV-13,9%; V-18,1% ва VI-17,0% га) камайиб кетиши,


Zn(OTf)₂ 8 масс.% олинганда эса, ААС унуми деярли ўзгармаслиги (I-0,7%, II-1,4%, IV-1,2% га ошган, III-0,4%, V-1,6% ва VI-1,1% камайган) кузатилди. Олинган натижаларга кўра, катализатор миқдори ва ҳароратнинг оширилиши ААС унумига салбий таъсир этади, деган хулосага келинди.

Рух трифторметилсульфонат катализатори иштирокида ААС синтез қилиш реакциялари толуол, ацетонитрил ва толуол-ацетонитрил эритмасида олиб борилди. Олинган натижаларга кўра, реакция ацетонитрил эритмасида олиб борилганда самарали эканлиги аниқланди ва жараён учун энг муқобил шароит топилди. Яъни реакция 60 °С ҳароратда, 5 соат давомида олиб борилганда ААС максимум (%): I=86,6; II=82,0; III=78,1; IV=70,0; V=61,0 ва VI=57,4 унум билан синтез қилинди.

ААС тузилиши ИҚ- спектроскопик усулда таҳлил этилди. Жумладан, I ИҚ-спектрида 3300-3400 см⁻¹ (-ОН), 3030; 3055; 3080 см⁻¹ (С-Н), 2870-2960 см⁻¹ (-CH₂), 2220 см⁻¹ (-C≡C-) ва 1480-1595 см⁻¹ (-C=C-) богининг валент тебранишлари кузатилди. II нинг қуйидагича ютилиш соҳалари: 3200-3400 см⁻¹ (-ОН), 3018; 3055; 3080 см⁻¹ (С-Н), 2855-2930 см⁻¹ (-CH₂), 2240 см⁻¹ (-C≡C-), 1480-1595 см⁻¹ (-C=C-) богининг валент тебраниши кузатилди. III ИҚ- спектрида 3200-3500 см⁻¹ (-ОН), 3020; 3055; 3080 см⁻¹ (С-Н), 2860-2940 см⁻¹ (-CH₂), 2235 см⁻¹ (-C≡C-), 1485-1595 см⁻¹ (-C=C-) богининг валент тебранишлари кузатилди. IV ИҚ- спектрида 3200-3500 см⁻¹ (-ОН), 3030; 3045; 3080 см⁻¹ (С-Н), 2855-2965 см⁻¹ (-CH₂), 2230 см⁻¹ (-C≡C-), 1485-1598 см⁻¹ (-C=C-) богининг валент тебраниши кузатилди. V нинг валент тебранишлари эса 3400-3500 см⁻¹ (-ОН), 3080; 3055 ва 3020 см⁻¹ (С-Н), 2870-2960 см⁻¹ (-CH₂), 2220 см⁻¹ (-C≡C-) ва 1490-1595 см⁻¹ (-C=C-) богнинг валент тебранишлари кузатилди. VI нинг ютилиш соҳалари қуйидагича намоён бўлди: 3400-3500 см⁻¹ (-ОН), 3080; 3055 ва 3020 см⁻¹ (С-Н), 2850-2930 см⁻¹ (-CH₂), 2225 см⁻¹ (-C≡C-) ва 1485-1595 см⁻¹ (-C=C-) богининг валент тебранишлари кузатилди.

ААС нинг KO^tBu/BuLi₂ каталитик системаси ёрдамида олиниши

Охирги йилларда элемент органик бирикмалар кимёси ривожланиши натижасида янги турдаги органик бирикмалар синтез қилинмоқда. Ушбу ишда илк бор қўш катализатор- BuLi/KO^tBu ёрдамида ААС синтези қилинди.



Маҳсулот унумига бошлангич моддалар миқдорининг таъсири ўрганилди, бунда фенилацетилен:кетон миқдорлари 1:1 нисбатда олинганда маҳсулот унуми энг юқори чиқиши кузатилди. Реагент ёки субтратнинг миқдори ўзгарганда ААС унумига сезиларли даражада таъсир кўрсатмади.

Маҳсулот унумига бошлангич моддалар миқдорининг таъсири
(эритувчи ТГФ, ҳарорат 0 °С, реакция давомийлиги 8 соат)

Миқдорий нисбатлар		ААС унуми, %					
RCOR'	C ₆ H ₅ C≡CH	I	II	III	IV	V	VI
1	1	73	68	64	59	49	45
1	3	67	59	57	56	44	36
3	1	63	56	51	47	40	32

ААС синтезига эритувчилар таъсири тадқиқ қилинди, жараёнда ҳосил бўладиган оралиқ ва қўшимча маҳсулотлар таркиби ва миқдори аниқланди. Тадқиқотларда кузатилдики, реакция ДЭЭга нисбатан ТГФ ўтказилганда қўшимча моддалар нисбатан кам ҳосил бўлди. Қўшимча маҳсулотлар сифатида ацеталлар, ацетиленидлар, винил спиртлар ва эфирлар ҳосил бўлди.

ААС унумига реакция вақти ва ҳароратнинг таъсирини ўрганиш асосида реакцияларнинг ўртача тезлиги аниқланди, кинетик катталиклари ўрганилди.

ААС синтез қилиш кинетик натижалари


Ҳарорат, °С	Реакция вақти, соат	Маҳсулот унуми				Реакциянинг ўртача тезлиги (W)			
		II		V		II		V	
		%	моль/соат	%	моль/соат	%/соат	моль/соат	%/соат	моль/соат
-20	8	64	0,08	46	0,06	8,0	0,011	5,75	0,007
0	4	60	0,15	42	0,10	15	0,037	10,5	0,026
	8	68	0,09	49	0,06	8,5	0,011	6,12	0,008
	10	65	0,06	43	0,04	6,5	0,006	4,31	0,005
20	8	57	0,07	42	0,05	7,1	0,009	5,25	0,007

KO^tBu/BuLi₂ катализатори ёрдамида ААС синтез қилиш реакцияси учун муқобил шароит топилди, унга кўра, жараён ТГФ эритмасида, 8 соат давомида, ҳарорат 0 °С да, RCOR':C₆H₅C≡CH:BuLi/KO^tBu миқдори 1:1:5 олинганда мос равишда тадқиқот объекти сифатида олинган ААС- I-73; II-68; III-64; IV-59; V-49 ва VI-45% унум билан синтез қилинди.


Танланган кетонлар молекуласидаги ҳалқалар сони ва ҳажмининг реакция бориши ва маҳсулот унумига таъсир этиш қонунияти топилди, унга кўра адамантион<камфора<ментон<2-метилциклогексанон<циклогексанон<циклопентанон қатори бўйича самарадорлик ошиб бориши аниқланди. ААС таркиби элемент таҳлил қилинди ва физик катталиклари аниқланди.

Синтез қилинган ААС элемент таҳлили натижалари

Таҳлил натижалари	Элементлар номи ва таҳлили, %						
		I	II	III	IV	V	VI
Ҳисобланган	C	83,80	83,96	84,07	84,32	84,99	88,00
	H	8,21	8,05	8,47	9,44	8,72	6,61
	O	7,99	7,99	7,47	6,24	6,29	5,39
Аниқланган	C	83,24	83,18	83,60	84,03	84,26	87,94
	H	8,32	8,21	8,85	9,67	8,86	6,62
	O	8,44	8,61	7,55	6,30	6,88	5,44




6-расм. I хромато-масс спектри



7-расм. II хромато-масс спектри

Диссертация ишининг “**Ароматик ацетилен спиртларининг физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллиги**” номли тўртинчи бобида ААС кимёвий ўзгаришлари ва қўлланиш соҳалари натижалари келтирилган.

ААСни юқори асосли каталитик система ёрдамида фенилацетилен билан реакцияси орқали молекуласида қўш ароматик ҳалқа сақлаган ВОЭ (VII-XII) синтез қилинди. Реакция схемаси қуйидагича таклиф қилинди:



**VII-
XII**

Бу ерда: R= cPt(VII);
R= cHe (VIII); R=
MecHe (IX); R=
Me^tPrсHe (X);
R= Me₃bicHe (XI); R=
cAd (XII), M- Li, Na, K

ААС ВОЭ унумига CsF+MOH+DMCO каталитик системанинг роли, табиати ва миқдори ҳамда ҳарорат (70-150 °С) таъсири тадқиқ қилинди. Бунда жараёнлар 4-10 соат интервалларда, ДМСО эритмасида олиб борилди. Бошлангич маҳсулотлар эквимоляр нисбатларда олинди. Танланган ҳароратларда маҳсулот унуми 70 дан 120 °С гача оширилганда ВОЭ унумида ўсиш кузатилди, ҳароратни 150 °С оширганимизда эса маҳсулот унумининг кескин камайиши аниқланди. Реакция 70 °С да олиб борилганда ишқорларнинг ДМСО эритмасида каталитик селективлиги пастлиги кузатилди, ҳарорат 120 °С бўлганда эса ишқорлар ДМСО эритмасида тўлиқ каталитик фаолликни намоён қилди, натижада системада юқори самарадорликда алкоголятлар ва ацетиленидлар ҳосил бўлди ва уларнинг гидролизга учраши натижасида ААС ВОЭ ҳосил бўлиши учун қулай каталитик муҳит яратилди. Ҳарорат янада оширилганда эса системадаги винил ҳосилаларнинг полимерланиши, ААС парчаланиб фенилацетилен ва кетонларга айланиши ҳисобига маҳсулот унумида камайиши кузатилди.

ААС ВОЭ унумига каталитик системаларнинг таъсири
(эритувчи ДМСО, реакция давомийлиги 8 соат, ҳарорат 120 °С)

Каталитик система	Маҳсулот унуми, %					
	VII	VIII	IX	X	XI	XII
LiOH-CsF	67,6	62,0	59,4	52,3	51,0	46,8
NaOH-CsF	89,6	86,7	83,4	77,7	75,0	72,3
KOH-CsF	87,2	84,3	80,1	73,1	71,1	67,8

ААС ВОЭ унуми танланган каталитик системалар ичида LiOH CsF < KOH CsF < NaOH·CsF қатор бўйича ошиб бориши аниқланди. Маҳсулот унумининг NaOH·CsF қўлланилганда юқори чиқишини ДМСО эритмасида NaOH эриши натижасида CsF билан алмашиниш реакцияси охиригача боради, CsOH миқдори нисбатан кўпроқ ҳосил бўлиб, фаол каталитик марказга эга бўлган металл комплекс ҳосил қилади ва у ўз ўрнида фенилацетилен билан осон реакцияга киришади деб изоҳлаш мумкин бўлади.

ААС ВОЭ юқори унум билан синтез қилиш учун энг муқобил шароит қилиб, жараён NaOH+CsF+ДМСО системасида 8 соат давомида, 120 °С ҳароратда олиб борилган ҳолат танланди. Ушбу шароитда VII-89,6; VIII-86,7; IX-83,4; X-77,7; XI-75,0; XII-72,3% унум билан синтез қилинди ва уларнинг тузилиши, тозаллиги ва таркиби замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқланди ва исботланди.

*Ароматик ацетилен спиртларининг
қўлланилиш соҳалари*

Синтез қилинган ААС нефт ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари металл ва пўлат конструкциялари биокоррозиясини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши биологик фаоллиги “Chinoz neftni qayta ishlash zavodi” MChJда ўрганилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ААС биоцидлик хоссалари юқори даражада бўлиб нефт бактерия ва замбуругларни (86%) зарарсизлантириши аниқланди ва улардан нефт микроорганизмларига қарши ингибиторлар сифатида фойдаланилди.

Синтез қилинган ААС саноат корхоналари айланма оқава сувлар таркибида туз қатлам ҳосил қилувчи компонентларга қарши ингибиторлик хоссалари ўрганилди. Тадқиқот объекти сифатида олинган “Ohangaronsement” AJ айланма оқава сувлари каттиқлиги аниқланди. ААС 5,0-25,0 мг/л концентрацияли эритмалари асосида тадқиқотлар олиб борилди. Натижалар шуни кўрсатадики, оқава сувлар таркибида туз қатлам ҳосил қилувчи намуналарга қарши ААС таъсирчанлигининг фаоллиги, уларнинг металл катионларини ўзида сақлаб қолиш селективлиги (87,0%) аниқланди. ААС дан “Ohangaronsement” AJ оқава сувлари таркибида қатлам ҳосил бўлишига қарши ингибитор сифатида фойдаланилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Таркибида турлича халқа сақлаган циклопентанон, циклогексанон, 2-метилциклогексанон, ментон, камфора ва адамантанон каби айрим циклик кетонларни Cs_2CO_3 , 3,3'-Ph₂BINOL-2Li, $\text{Zn}(\text{OTf})_2$ ва $\text{BuLi}/\text{KO}^t\text{Bu}$ катализаторлари ёрдамида фенилацетилен билан этиниллаш реакциялари тадқиқ қилинган ва юқори унум билан ароматик ацетилен спиртларини синтез қилиш усуллари келтирилган.

2. Ацетилен углеводородларининг альдегид ва кетонлар билан нуклеофил бирикиш реакцияси асосида ароматик ацетилен спиртларини синтез қилишда махсулот унумига $\text{BuLi}/\text{KO}^t\text{Bu}/\text{TGF} < \text{Cs}_2\text{CO}_3/\text{DMCO}\cdot\text{H}_2\text{O} < 3,3'\text{-Ph}_2\text{BINOL-2Li}/\text{TGF} < \text{Zn}(\text{OTf})_2/\text{NEt}_3$ катализаторларнинг таъсири аниқланган ва уларнинг каталитик фаоллик қатори кўрсатилган.

3. Кетонлар молекуласининг тузилиши, $>\text{C}=\text{O}$ гуруҳига боғланган циклик радикаллар ҳажми, тармоқланиши ва фазовий жойлашувининг реакциянинг боришига таъсири, кетонларнинг реакцион фаоллик қатори, ароматик ацетилен спиртларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари аниқланган ва реакция механизмлари тавсия этилган.

4. Синтез қилинган ароматик ацетилен спиртлари молекуласида бир нечта фаол марказлар – ароматик ва циклик халқа, учбоғ, гидроксил гуруҳи, гидроксил гуруҳидаги ҳаракатчан водород сақлаганлиги уларнинг биологик фаол бирикмалар сифатида тавсия этилди.

5. Синтез қилинган ароматик ацетилен спиртлари биокоррозия жараёнига қарши ингибитор сифатида қўлланилган ва нефт микроорганизмларини зарарсизлантирувчи препаратлар сифатида тавсия этилди.

6. Ароматик ацетилен спиртлари кимё саноати корхоналари оқава сувларида туз қатлам ҳосил қилувчи компонентларга қарши ингибиторлар сифатида фойдаланилди ва оқава сувлар таркибидаги металл катионларини миқдорини камайтириш учун тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.09.2020.К.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ОТАМУХАМЕДОВА ГУЗАЛ КАМАРИДДИНОВНА

**СИНТЕЗ АЦЕТИЛЕНОВЫХ СПИРТОВ НА ОСНОВЕ ТЕРМИНАЛ
АЛКИНОВ И КЕТОНОВ В ПРИСУТСТВИИ РАЗЛИЧНЫХ
КАТАЛИЗАТОРОВ**

02.00.03 – Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2.PhD/К113.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.cspi.uz.ilmiy-kengash и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич
Доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты: Махсумов Абдулхамид Гафурович
Доктор химических наук, профессор

Муҳиддинов Баходир Фахриддинович
Доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «06» днварь 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.09.2020.K.82.02 по присуждению учёных степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: tvchdri_k.kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области. Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41 (зарегистрирована за № 24).

Автореферат диссертации разослан « 24 » 12 2020 года.

(реестр протокол рассылки № 1 от 24 12 2020 года).



Д.А.Гафурова
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., доцент

И.С.Ортиков
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н. по химии (PhD)

Махсумов А.Г.Махсумов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одним из важнейших проблем современности является целевой синтез новых биологически активных органических соединений, их использование в качестве ингибиторов в нефте-газовой, химической, фармацевтической и текстильной промышленности. В связи с этим особое значение приобретает создание дешевых, высокоэффективных и экологически чистых отечественных препаратов, улучшающих их физико-химические, биологические и фармакологические свойства.

Ингибиторы и препараты созданные на основе ацетиленовых спиртов (АС), содержащие в своем составе молекул активные центры, а также алифатические, ароматические и гетероциклические заменители, широко используются в нефте-газовой, химической, сельскохозяйственной и медицинской практике по всему миру. В частности, созданные препараты на основе этого класса используются в качестве биоингибиторов против микроорганизмов в составе нефти, ингибиторов против слоеобразующих компонентов на предприятиях химической промышленности, растворителей в производстве резино-технических материалов, а также в качестве швейных агентов для снижения токсичности алкалоидов местных лекарственных растений. Таким образом, ведутся научные исследования по реализации целевого синтеза АС и их новых производных, содержащих треугольные, гидроксильные группы, ароматические и циклические кольца, по определению их структуры современными методами, по изучению химических свойств полученных соединений, по созданию новых биоцидов, ионитов и ингибиторов с уникальными свойствами на основе синтезированных АС.

Существенные результаты в Республике достигаются по синтезу новых импортозамещающих препаратов на основе переработки местного сырья и отходов, организовывать на высоком уровне научные исследования по созданию производственных технологий новых препаратов, а также по созданию конкурентоспособных, натуральных и уникальных лекарственных препаратов на основе продуктов их синтеза в результате комплексных мер по обеспечению нефте-газовых, химических и фармацевтических рынков качественными лекарственными средствами. В Стратегии действий³ по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «освоение производства принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечивающих конкурентоспособность отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынке». В связи с этим играет важную роль создание и производство высокоэффективных лекарственных препаратов для нефтегазовой, химической, текстильной и фармацевтической промышленности на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и ПК-3983 от 25 октября 2018 г. «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан» и 3 апреля 2019 г. № ПК-4265 Постановлении «О дальнейшем реформировании химической промышленности и повышении инвестиционной привлекательности» и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетами развития науки и технологий в направлении (VII) «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы⁴. В связи с тем, что в молекуле АС имеется несколько активных центров, было проведено множество исследований по их использованию в качестве сырья, растворителей и побочных продуктов при производстве биологически активных препаратов в промышленности. R.Fassler, M.O.Hoshino, T.P.Perumal, E.J.Corey, A.S.Chan, A.Hosseini, P.G.Cozzi, А.Е.Фаворский, Б.А.Трофимов, Е.Ю.Шмидт и другие ученые занимают особое место по синтезу, производству и целевому использованию АС и их производных. Узбекские ученые Т.С.Сирлибоев, А.Г.Махсумов, А.Икрамов, С.М.Туробжанов, С.Э.Нурманов, Б.Ф.Мухиддинов, Х.М.Вапоев внесли значительный вклад на развитие химии ацетиленов, в частности, АС, диолов, их эфиров, на синтез гетероциклических и виниловых производных, а также в их промышленное производство.

Синтез АС с высоким выходом путем алкилирования кислородсодержащих органических соединений, в том числе кетонов, с помощью селективных катализаторов ацетиленовыми углеводородами приведет к созданию новых типов растворителей, красителей, полимерных материалов, ионообменных смол, ингибиторов, гербицидов и лекарств.

Связь диссертационного исследования с тематическим планом научно-исследовательских работ высшего образовательного заведения.

Диссертационное исследование выполнено в соответствии с научно-исследовательским планом Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека по государственному гранту: МУ-ФЗ-20171025111 «Научные основы винилирования карбоновых кислот и свойства полученных соединений» (2018-2019 гг.).

Целью исследования является синтез ароматических ацетиленовых спиртов (ААС) и их различных производных с использованием различных каталитических систем, разработка методов синтеза, определение их структуры, физико-химических и биологических свойств.

Задачи исследования:

с помощью новых комплексных каталитических систем –

⁴ Рецензии на зарубежные исследования по теме диссертации основаны на сайтах www.sciencedirect.com, www.elsevier.com, www.scholar.google.com, www.fundamental-research.ru, www.elibrary.com и других источниках.

